



Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий тадқиқот институти
Фарғона илмий-тажриба станцияси



**Сифатли мева кўчатзорларини ташкил этиш ва етиштириш
агротехникаси**

Фарғона 2018-й

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева сабзаётчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва қарорларини бажаришда сифатли мева ва манзарали кўчат етиштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан Фарғона вилоятда фермер хўжаликлари тасарруфида бўлган жами 42099 гектар майдонда мевали боғлар мавжуд бўлиб, шундан 39688 гектари ҳосилли, 2411 гектари ёш ҳосилсиз боғлардан иборат. Мавжуд боғларнинг 809 гектари (1,9%) интенсив боғлардир.

Мавжуд боғларнинг 15644 гектари (37%) ўрик, 13440 гектари(32%) шафтоли, 7500 гектари (17,8%) олма, 3010 гектари (7%) гилос, 760 гектари (1,8%) олхўри, 650 гектари(1,5%) анор, 575 гектари(1,4%) хурмо ва 520 гектари (1,2%) ҳар хил турдаги мевали боғларни ташкил этади.

Вилоятда жами 1609 гектар майдонда тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан 1344 гектари ҳосилли, 265 гектари ёш ҳосилсиз тоқзорлардан иборат. Узумзорларни 809 гектари (50 %) хўраки, 24 гектари (1,5 %) кишмишбоп, 776 гектари (48,5 %) саноатбоп турдаги тоқзорларни ташкил қилади.

Мевали кўчатзорлар ташкил қилиш ва етиштириш агротехникаси.

Мева ва резавор-мева ўсимликларни жинсий (уруғдан) жинсиз (вегетатив) йўл билан кўпаяди. Янги навлар яратиш ва павандтаглар етиштириш учун жинсий кўпайиш усулидан

фойдаланилади. Кўпгина мева ва резавор-мева ўсимликлари четдан чангланиб, уруғ беради бу уруғлар икки индивид (ота-она) белгиларни ўзида сақлайди, бундай ўсимликлардан ўстирилган ўсимликлар дурагай бўлади. Амалда мева ва резавор-мева ўсимликларини вегетатив усулда кўпайтириш кенг қўлланилади. Унинг асосида ўсимликларнинг яшаш қобилиятига эга бўлган маълум қисми-новдаси, илдизи, барги ва хатто тўқима бўлакчасидан бутун организмни тиклаш (регенерация) қобилияти ётади. Органларнинг бу қисмлари она ўсимликда илдиз чиқарадиган илдиз бошланғичини тиклайди, куртагидан барг чиқарадиган новда беради. Вегетатив усулда кўпайтиришда ўсимлик нисбатан соф холда сақланади, унга она ўсимликнинг белгилари ва хусусиятлари ўтади. Жинсий йўл билан кўпайтирилганда эса, ҳам оналик, ҳам оталик, баъзан эса энг қадимги аجدодларининг белгиларига эга дурагай олинади.

Мева кўчатзорларини ташкил қилиш.

Кўчатзорларнинг ахамияти ва вазифалари. Махсус ажратилган майдонларда мева резавор-мева, манзарали ўсимликлар кўчати кўпайтириладиган хўжалик ёки унинг бир қисми мева дарахтлари кўчатзори дейилади.

Мева кўчатзорининг вазифаси – кўчат етиштиришнинг прогрессив усулларини қўллаб ва ишлаб чиқариш жараёнларида механизатциядан кенг фойдаланиб, Фарғона водийси учун районлаштирилган тур ва навга хос арзон ва сифатли кўчатлар етиштиришдан иборат. Намунали кўчатзорлар ташкил қилмасдан туриб боғдорчиликни ривожлантириш мумкин эмас.

Мева кўчатзори мевачиликнинг холатини, вилоят, туман шароитига мос келадиган шу билан бирга аҳолининг ҳўл ва қуруқ меваларга, озик – овқат саноатини эса ҳам ашёга бўлган талабини қондира оладиган тур ва навларидан иборат кўчатлар етиштирилиши зарур. Шу билан бирга етиштириладиган навлар серҳосил, мазкур ҳудуд шароитига (совуққа, қурғоқчиликка, шўрхокка ва бошқаларга) чидамли, мевалари юқори сифатли, шунингдек касаллик ва зараркурандаларга чидамли бўлиши керак.

Кўчатзорлар ташкил қилиш учун уруғ тайёрлаш.

Мевали ўсимликларни данаги (уруғи) яхши пишиб етилган меваларидан олинади. Буғланган, дудланган мевалар уруғи экиш учун яроқсиз ҳисобланади. Уруғлиларни уруғини олишда махсус мосламаларда майдаланади, сўнг сиқиб мева шарбати ажратиб олиб, туппасидан ювиб уруғлари ажратиб олинади. Туппалар хайвонлар учун озуқа бўлади. Маданий уруғлиларни уруғидан қоқи тайёрлашда ҳам меваларни кесиб уруғни олиш мумкин. Мевани қоқи қилиш учун палла шаклда қилиб, сувли идишга солинади бунда униб чиқадиган уруғ сув остида қолади, палла ва пуч уруғлар юқорига чиқади, сўнг мева паллалари сузиб олиниб, ола кўланка сояга ёйилиб қуритилади.

Данакли мевалардан олчани меваси териб олиниб салқин жойда ёйилган холда 2-3 кун сақлаб, юмшагандан сўнг сиқиб данаклари ажратиб олинади. Қуёшда ва тўп холатдаги меваларни данак ва уруғлари олинганда унувчанлиги пасаяди, экилган данак ва уруғлар яхши униб чиқмайди. Қора гилосни

уруғи олинганда уни сиқиб шарбати олинаиб, кейин данаклари ювиб ажратилади. Шафтоли, ўрик данаклари қўлда мевалари бўлиниб, данаги ажратиб олинади. ёввойи данакли ва уруғлиларни меваларидан данак ва уруғ ажратиб олинадида унувчанлиги талаб даражасида бўлган яхши, сифатли данаклиларни данаги жигарранг холда, уруғлиларни уруғи жигарранг ялтироқ холатда бўлади.

Экиш учун тайёр олинган сифатли уруғлар касаллик ва зараркурандалардан зарарланмаслиги учун кимёвий препаратлардан фойдаланилади, шу билан бирга микроэлементлар билан хам уруғларга ишлов бериш яхши самара беради. Касалликларни олдини олиш мақсадида Curzate-R (10 л сувга 15-20 гр), зараркурандалар учун Би-58 препарати (10 л сувга 8-10 гр), микроўғит Аггис-Те⁶ (10 л сувга 15-20 гр).

Экиладиган мева уруғларига характеристика.

Ёввойи дарахт мевасидан олинладиган данак ва уруғлар чиқиш миқдори, сони ва унувчанлиги.

№	Турлар	1 кг уруғ олиш учун кетадиган мева(кг)	1 кг уруғ сони (минг)	Уруғларни ўртача унувчанлиги %	
				1-класс	2-класс
1	Ёввойи олма	100-120	30-40	90	75
2	Маданий олма	250-400	25-30	90	80
3	Ёввойи нок	100-150	25	90	70
4	Беҳи	100	15-20	90	70

5	Ўрик	15-30	0.75	90	70
6	Шафтоли	15-30	0.30-0.35	90	75
7	Олича	10-12	4-6	85	70
8	Қора гилос	12-15	2	95	80
9	Магилебка	80-10	10	90	75
10	Бодом	-	1.3	90	75
11	Ёнғоқ	-	0.08-0.13	90	80
12	Хурмо	5	7-8	80	70

**Экиладиган мева уруғ ва данаклари 1 гектар
майдонга уруғ сарфи.**

№	Тури	1 гектар, биринчи дала кўчатзориға сарфи (кг)
1	Олма	25-30
2	Нок	20-25
3	Беҳи	25-30
4	Ўрик	300-400
5	Шафтоли	400-500
6	Олича	150
7	Қора гилос	100
8	Сариқ гилос	100
9	Магилебка	70
10	Ёнғоқ	800
11	Хурмо	40-50
12	Чилонжийда	120-150
13	Бодом	200-300

Уруғ ва данакларни сарфи унувчанлигига қараб ўзгариб туриш мумкин.

Уруғ ва данакларни қумлаш (страфикасиялаш) муддати.

№	Турлар	Кунлар
1	Қора гилос	200-250
2	Олича	150-200
3	Могилебка	130-150
4	Олма	100-120
5	Нок	100-120
6	Шафтоли	90-100
7	Ўрик	90-100
8	Беҳи	60-70
9	Бодом	45-60
10	Ёнғоқ	45-60

Мева уруғларини қумлашда бир қисм уруғ ёки данакка икки қисм тоза ювилган қум қўшиб, яхшилаб аралаштириб қумланади. Қумланган уруғлар чуқурлардан кузда олиниб экилгани маъқул.

Қаламчалари билан кўпайтириладиган мевалар лимон, смародина (қорағат) анор, анжир ва узум кўчатларини тайёрлашда қаламчасидан кўпайтириш кенг тарқалган. Масалан: Ток қаламчаларини экиш учун тайёрлашда кеч куз тиним давридаги токнинг бир йиллик новдаларидан куртакли қаламчалар кесиб тайёрланади. Кўпайтириш учун энг яхши қаламчалар касаллик ва зараркурандалардан зарарланмаган соғлом, ўз навининг энг намунаси бўлган ток новдаларидан кесиб олинади. Қаламча тайёрлашда қаламчани 30-35 см узунликда кесилади, кесиш жараёнида энг юқорида жойлашган

куртагидан 5 см баланддан қиялатиб кесилади, ерга қадаб экиладиган паст қисми эса куртак тагидан текс қилиб кесилади. Кесиб олинган тайёр қаламчалар 100 донадан қилиб боғланиб чиқилади узунлиги 2 метр, чуқурлиги эса 1 метр қилиб чуқур тайёрланади, боғлаб қўйилган қаламчалар чуқурга ётқизиблиб бир қатор қўйилади ва тупроқ билан кўмиб чиқилади. Чуқурдаги қаламчалар нам холатда сақланади. Агар хаво курук бўлса қаламчаларни чуқурга қўйилгандан сўнг, уларга сув қўйилади.

Мева кўчатзорлари учун жой танлаш.

Кўчат учун туман ва хўжаликлардаги энг яхши унумдор ерлар ажратилади. Кўчатзор қилинадиган ер майдони квадрат ёки тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида бўлгани маъқул. Бундай шакл кўчатзорни участкаларга бўлишни, ерни механизация ёрдамида ишлашни, ўтказиладиган кўчатларни хисоблашни ва бошқа шу каби ишларни енгиллаштиради. Танланган майдоннинг рельефи текс бўлиши лозим, бу эса яхши суғориш учун зарурдир. Нишабли ерларда шамолга ва шимолий ғарб томонга нишаб ерлар энг яхши хисобланади. Совуқ хаво тўхтаб қоладиган паст ерлар, чуқурликлар ҳам шунингдек, ҳамиша ёки тез-тез шамол бўлиб, тупроқни қуритадиган, ёш пайвандларни синдириб юборадиган жойларда ҳам кўчатзор барпо қилиш тавсия этилмайди.

Кўчатзорлар учун ер тайёрлаш.

Мевали кўчатзорлар ташкил этиш учун ер танлаш ва ажратилган ерларни экиш учун тайёрлаш муҳим ишдир. Кўчатзор ташкил қилиш учун сабзаёт, полиз, дуккакли ўсимликлар, беда экилиб келинган, сув билан яхши таъмин этилган текис ерларни ажратиш керак. Кўчатзор ташкил этиш учун ерни кузда танлаб, шудгорлаб қўйиш керак. Кузда шудгор ўтказилганда шудгорлаш олдидан 1 гектар майдонга 15-20 тонна чириган гўнг, 100 кг фосфорли, 60 кг калийли ўғитлар солиб шудгор қилинади, шудгорланган майдон тексланади суғориш эгатлари олинади, суғориш эгатлари олишда ернинг нишаблигига қараб 60-70 см камров кенглигида олинади.

Мева дарахтлари учун пайвандтаглар танлаш.

Мева дарахларини маданий навларини пайвандлаш учун ўстирилган уруғ кўчатлар пайвандтаг деб аталади. Ўсимликларнинг пайвандтакка уланадиган қисми (куртак, банд, новда) га пайвандуст дейилади. Пайвандтаглар ўсиш характериға қараб кучли, ўртача ва кучсиз ўсадиган ёки пакана пайвандтагларға бўлинади.

Ўзбекистон шароитиға О. К Афанасеевни малумотиға кўра пакана бўйли пайвандтагларни олма ва нок учун қуйидаги типлари синаб кўриб экиш учун тавсия этилган булардан:

Пакана бўйли. М – 9 ва

Ярим пакана : ММ-106,

Ўрта ўсувчи : М-2.

Нок учун беҳини А ва Анжеранский типни, яна Переспектив олма пайвандтаглардан ММ-102, ММ-104, ММ-109, ММ-111 пайвандтагларни яхши натижа беради. Пайвандтаглар танлашда тупроқ шароити, сув таминости хисобға олиш керак. Унумдор суғориладиган тупроқларда М-9, М-7, ММ-106 типдаги пайвандтагларда ўстирилган дарахтлар яхши ўсиб, мўл хосил беради.

Кўчатзор майдонларига данак (уруғ) ва қаламчалар экиш муддатлари ва агротехникаси.

Меваларни уруғлари октябр ойини охири ва ноябрь ойини иккинчи ўн кунлигигача экиш тавсия этилади. Ёввойи ўрик, шафтоли данакларини уруғ оралиғи 5-6 см кенгликда 6-8 см чуқурликда кўмилди. Олча ва гилос уруғлари 5-6 см чуқурликда 4-5 см ораликда экилади, олма, беҳи ва нок уруғлари 3-4 см ораликда, экиш чуқурлиги 4-5 см қилиб экилади. Экилган пайтида тупроқ ва хаво намлиги қуруқ бўлса суғорилади.

Узум, анор, анжир ва смародина (қорағат) қаламчалари баҳорда об-хаво шароитиға қараб март ойини охири ва апрель ойида узум қаламчаларини 10-12 см ораликда, 12-15 см чуқурликкача қиялатиб экилади.

Биринчи дала.

Уруғ кўчатлар кўчатзорида етиштириладиган уруғ мевалиларнинг пайвандтагларни (бир йиллик уруғ кўчатлар)

ўтқазилади. Данак мевалиларнинг биринчи даласига тез ўсувчи сифатида уруғдан экиб ўстирилади. Пайвандтагларни сифатли ўсиб ривожланиши учун суғориш, чопиқ қилиш, ўғитлаш ва қатор ораларига ишлов бериш ишлари амалга оширилади. Ўғитлашда шағалли тупроқларга 100 кг азот, 90 кг фосор, 60 кг калий ўғитлари соф ҳолда солинади.



Қатор ораларига ишлов бериш

Ана шу даланинг ўзида ёзнинг иккинчи ярмида яъни июль ойини охиридан август ва сентябр ойигача, олдин данаклилар ва кейин уруғлилар куртак пайванд қилинади. Куртак пайванд энг сифатли ва самарали бўлганлиги боис шу усулдан фойдаланилади.



Олхўри пайвандтагига куртак пайванд қилиш жараёни

Клон пайвандтагли она кўчатзорда ўртача кучли кучсиз пайвандтаглар кўпайтирилади. Клон пайвантаглар боғида ўртача ва кучсиз ўсган парадизка, дусен ва беҳи пайвандтаглари кўпайтирилади ва улар ҳам пайванд қилинади.

Иккинчи дала.

Кўчатзорларнинг иккинчи даласида бир ёшли кўчатлар ўстирилади ва шакл берилади. бу ерда асосий иш – қишгача асосий пояси (шохи) ён шохлари бақувват бўлиб ўсган ҳамда ёғочлиги яхши етилган кўчатлар етиштиришдан иборат.



Барг қўлтигидан ўсув новдаларини олиш

Бунинг учун ўсув даврининг биринчи ярмида ерни ўз вақтида ва сифатли қилиб ишлаш, суғориш ҳамда ўғитлаш ишларини бажариш, қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаб туриш керак. Ер унумдолигига қараб ўғит меъёрлари белгиланади, шағалли ерларда 120 кг азот, 90-100 кг фосфор, 45 кг калий ўғитлари, бўз тупроқларда 90-100 кг азот, 90 кг фосфор, 40 кг калий ўғитлари соф ҳолда солинади.

Пайванд қилинган куртаклардан уруғ кўчатлари бир йиллик кўчатлар етиштирилади, бу ерда уларга шакл берилади ва шу йили кузда боққа ўтказиш учун қовлаб олинади ёки эрта баҳорда олинади.



2-дала

Нок кўчатзори



2-дала кўчатзоридаги

Олма кўчатларининг

кузги тайёр холати

Агар уруғмеваларнинг кўчатлари бирор белгиларга кўра стандартга тўғри келмаса (бу хол камдан-кам учрайди) бунда уларни етиштириш учун кўчатзорнинг учунчи даласида яна бир йил қолдирилади ва икки йиллик бўлганда ковлаб олиниб тегишли жойларга юборилади. Анжир, анор, смородина ҳамда ток экинларида эса кўчатлар илдиз бачкилари, новдалари, қаламчалари, пархишлари ва гажакларидан етиштирилади.

Фарғона ИТС илмий ходимлари:

А.Машрапов

А.Махмудов